

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 5/8

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 5/8 (3)-2023*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

## **Тахририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Намазова Умида Нормуродовна</i> ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ).....	10-15
<i>Эрназаров Туйгун Раджабович</i> ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ .....	16-21
<i>Хужаниязов Уктам Ешбаевич</i> “ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ .....	22-27
<i>Шаимкулов Азамат Холмуратович</i> ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ .....	28-38
<i>Муродов Ҳалим Салимович</i> ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР .....	39-46
<i>Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН .....	47-51
<i>Shonazarova Nargiza</i> TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR .....	52-57
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i> O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI .....	58-64
<i>Qodirova Ra’no Mamirjonovna</i> O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O‘QITILISHI .....	65-70
<i>Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li</i> SHARQDA KUCHLI IJTIMOIIY NIHOYA TIZIMI TARIXI .....	71-75
<i>Нарбеков Абдикамил</i> НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ .....	76-80
<i>Alimova G‘unchaxon Baxadirovna</i> JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA .....	81-85
<i>Jumanazarova Fotima</i> XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI .....	68-93
<b>08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich</i> PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW .....	94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i> ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKIOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI.....	101-109
<i>Xaitbobaeva Nigora Bakmatatovna</i> T'UQIMACHILIK SANOAT KORXONALARIDA MARKETING STRATEGIYASIDAN FOYDALANIISH B'YIYCHA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBALARI.....	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbonboyevich</i> MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI.....	120-132
<i>Maxmudov Tursunpuolat Davronovich</i> INVESTITSIYA MANBALARINING MINTAQAGA IKTISODIYETIGA TA'BSIRI .....	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i> KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI.....	145-150
<i>Muydinova Zilola Voxid qizi</i> CHEGARA BOJXONA POSTLARI FAOLIYATIDA "AVTOMATLASHTIIRILGAN IY'LOVCHI XARAKATI" MOBIL ILOVASINI JORIY ETISH ORQALI IKTISODIY TAHLILNI TAKOMILLASHTIIRISH.....	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i> TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	159-164
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Saidova Kamola Uskanbaevna</i> ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ .....	165-173
<i>Omonturdiyev Orzu G'afforovich</i> INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI .....	174-179
<i>Ochilova Guzаль Aralovna</i> YUKSAK MA'NAVIYAT-MANFAATLAR BIRLIGINI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jalolidinovna</i> MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i> AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i> IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEKANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i> MEHRSIZLIK HODISASINI KELITIRIB CHIQUVCHI OMILLAR .....	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i> DINIY MANBALARDA IJTIMOIIY HAMKORLIK O'OYALARI .....	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i> TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI .....	219-224

<i>Dehqonov Behzod Baxtityorovich</i> YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI .....	225-230
<i>Abdullayeva Firuza Sharipovna</i> NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI .....	231-236
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i> SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G'OYALAR .....	237-243
<i>Ибрагимов Солижон Эргашович</i> АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ.....	244-251
<b>10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Qodirova Mukaddas Tog'ayena</i> BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI.....	252-257
<i>Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich</i> DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE .....	258-265
<i>Hamroyeva Sharifa Shukur qizi</i> TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA) .....	266-271
<i>Olimova Gulfiza Muradullayevna</i> BADIIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI.....	272-281
<i>Айниддинов Иқрориддин Шарифович</i> АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....	282-287
<i>Turaeva Dilfuza Daminovna</i> O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI .....	288-295
<i>Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna</i> LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO'LISHI .....	296-305
<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli</i> LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES .....	306-311
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i> FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZELOGIK BIRLIKLARNING KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA .....	312-317
<i>Шамақсудова Саодат Хидоятовна</i> МАССМЕДИА АСПЕКТНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР.....	318-324
<i>Шатова Ирина Юрьевна</i> ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ .....	325-330
<i>Nortoyeva Nodira Muhamadaliyevna</i> FRAZELOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI .....	331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i> KO'P MA'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI .....	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i> МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР .....	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI .....	348-352
<i>Aminova Dilnoza Hikmatullayevna</i> THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY .....	353-358
<b>12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи</i> ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ .....	359-365
<i>Mamatallyev To'liqin Xushmamat o'g'li</i> O'ZBEKISTONDA MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI .....	366-378
<b>13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i> МАКТАВГАСНА ТА'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	379-384
<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i> ТЕХНИК ОЛИЙ О'QUV YURTLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI .....	385-390
<i>Таджиходжаева Эльвира Рашидовна</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ .....	391-396
<i>Тўрахонова Барно Турсунбой қизи</i> БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ .....	397-406
<i>Ashurova Sitora Erkinovna</i> USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION .....	407-412
<i>Каримжоновна Мунаввар Ибрагимовна</i> ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421
<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i> VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI ТАКОМИЛЛАСHTIRISH .....	422-426
<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i> КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК .....	427-435
<i>Бердикулова Насиба Эркинжоновна</i> СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ .....	436-442



*Saidnazarova Gulshan Bolta qizi*

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO  
SIFATIDA .....443-448

11.00.00–Филология фанлари

**Айниддинов Иқрориддин Шарифович**  
Самарқанд давлат университети таянч докторанти  
E-mail: [iqroriddin@mail.ru](mailto:iqroriddin@mail.ru)

### **АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада асли самарқандлик бўлган буюк мутафаккир ва шоир Шарофуддин Ҳасан Ашраф Самарқандийнинг ному насаби ва бу борадаги тазкираларда келган турли хил маълумотлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, мутафаккирнинг асл насаби ва тахаллусига аниқлик киритилади.

**Калит сўзлар:** Ашраф, Ҳасан, саййидзода, Самарқанд, Шарофуддин, девон, тазкира, биография.

---

**Ayniddinov Ikroriddin Sharifovich**  
doctoral student at Samarkand State University

### **STUDY OF ASHRAF SAMARQANDI'S BIOGRAPHY IN LITERARY SOURCES**

**Abstract.** This article talks about the genealogy of the great thinker and poet Sharofuddin Hasan Ashraf Samarkandi, who was originally from Samarkand, and about the various information about it in the tazkiras. Also, the original surname and nickname of the thinker will be clarified.

**Keywords.** Ashraf, Hasan, sayyidza, Samarkand, Sharafuddin, devan, tazkira, biography.

---

**Айниддинов Иқрориддин Шарифович**  
докторант Самарқандского  
государственного университета

### **ИЗУЧЕНИЕ БИОГРАФИИ АШРАФА САМАРКАНДИ В ЛИТЕРАТУРНЫХ ИСТОЧНИКАХ**

**Аннотация.** В данной статье говорится о генеалогии великого мыслителя и поэта Шарофуддина Хасана Ашрафа Самарканди, родом из Самарканда, и о различных сведениях о нем в тазкирах. Также будут уточнены первоначальная фамилия и прозвище мыслителя.

**Ключевые слова:** Ашраф, Хасан, Сайидза, Самарқанд, Шарафуддин, деван, тазкира, биография.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N39>

#### **Кириш**

Ашраф Самарқандий Самарқанд адабий муҳитининг йирик вакиллари билан бўлиб, ўзининг илмий салоҳияти, бадий маҳорати ва ёзилган асарлари билан ўз даврида истеъдодли шоирлар сирасига номи тилга олинади. Бу зот ҳижрий VI асрда фаолияти

юритгани ҳақида форс олими Аббосбек Жоний ва Умид Сурурий баъзи маълумотларни ўз тадқиқотларида бериб ўтган[1,3].

Ашрафий ҳаёти ва фаолияти ҳақида бугунги кунга қадар тазкираларда, тарихий манбаларда жуда кам маълумот учрайди. Аксар маълумотлар шоирнинг ному насаби ва фаолияти ҳақида келтирилган. Жумладан, “*Ҳафт иқлим*”, “*Риёзшушуро*”, “*Сафинаи хушғў*”, “*Субҳи гушан*”, “*Рўзи равшан*”, “*Тазкираи бутхона*”, “*Хулосатул ашғор*”, “*Хайрул баён*”, “*Натоижул афкор*”, “*Латоифул хаёл*”, “*Мажмаал фусаҳо*”, “*Оташкада*”, “*Райҳонатул адаб*”, “*Риёзул орифин*”, “*Арафотул ошиқин*”, “*Жунги Нақии Коший*” ва “*Тазкираи Нозим*” каби манбаларда Ашрафий Самарқандий ному насаби ва шеърий девони борасида сўз юритилган бўлса-да, лекин таржимаи ҳоли тўлиқ ёритилмаган. Ушбу манбаларда Ашрафий тахаллуси билан ижод қилган *Ашрафи Кошоний*, *Ашрафи Косоний* ёки *Ашрафи Гулистоний* номлари зикр этилган. “Сафинаи хушғў” тазкирасида اشرف گلستانی [1,188 в]. (“Ашраф Гулистоний”, деб номи зикр қилинади. Мазкур тазкираларнинг маълумотларига таяниб Аббосбек Жоний “Девони Ашрафий”нинг муқаддимасида бу зотни Самарқандлик эканлигини асосли фактлар билан исботлайди [1,3-7]. Маълумотлар тарқоқ бўлганлиги сабабли мутафаккирнинг ному насабини қуйидаги мақолада аниқлик киритишни лозим деб топдик.

#### Адабиётлар таҳлили ва методология

Шарофуддин Ҳасан Ашраф Самарқандийни исми “*Ҳасан*” тахаллуси “*Ашраф*” ва нисбаси эса “*Самарқандий*”дир. Ашраф Самарқандий Ҳасан исми билан халқ ичида танилган бўлиб, ўзини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлодидан эканлигини ўз шеърларидан бирида шундай изоҳлайди:

من که منم نور دل فاطمه  
بل گهر از کمر مرتضا  
رتبت جاهم به رسول عرب  
نسبت خاصم به حسین و رضا

Мазмуни: Мен гарчи ўзим бўлсам ҳам Фотима розияллоҳу анҳонинг қалбидаги нурданман. Балки, Муртазонинг (Али розияллоҳу анҳу) белидаги қимматбаҳо жавҳарман. Мени мақомим Расули арабга (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга) бориб тақалади. Хос насабим эса Ҳусайн ва Имом Ризога туташади [1,3].

Шу байтнинг ўзига диққат қаратадиган бўлсак, Ашраф Самарқандийнинг ўз насаби учун хос муҳим биографик маълумотларни очиқлайди. Бу эса мутафаккирнинг саййидзодалар авлодидан бўлганлигини исботлайди.

Малик Шаҳобуддин Муҳаммад Ғурий ҳақида ёзган бир қасидасида ўз лақабини “Шарофуддин” дейилган. Тақий Коши ҳам бу фикрни қўллаб қувватлайди. “Ҳафт иқлим” ва “Хайрул баён” тазкираларида унинг лақаби “Муинуддин” бўлганлиги ишора қилинган [7,1 б].

Мутафаккирнинг насаби бўйичи келтирилган маълумотлар ичида фарқлар борлиги сабабли бошқа тазкиранавис олимларнинг асарларни кўриб чиқишга тўғри келади. Бу борада “*Мажмаал фусаҳо*”, “*Риёзуш-шуро*”, “*Риёзул орифин*”, “*Арафотул ошиқин*” ва Ашраф Самарқандийнинг ўз девони бизга керакли маълумотларни ёритишга ёрдам беради. Ўз замонида мутафаккирни қуйидаги тахаллус ва унвонлар билан манбаларда тилга олинган: *Шамсул фусаҳо*, *Ашрафи Соний*, *Саййидул фозилин*, *Санадул*

комилин, Имомул ҳумом, Саййидул фузало, Маликул калом, Саййидул калом ва Ашрафуш шеър [6,188 б].

Бу ному унвонларни Ашраф Самарқандийга нисбат берилиши албатта ҳақиқатдан йироқ эмас. Чунки, юқоридаги шеърда ҳам ўзини саййидзодалардан эканлигини эътироф этганди. Ушбу унвонларни шоир ўз асарига эътироф этгани билан биргаликда тазкирачи олимлар ҳам эътироф этгани эътиборлидир. سید اشرفی در جواب وی گفته (Саййид Ашрафий унинг жавобида айтган) номли қитъасида ўзни “Саййид” ва нисбасини “Ашрафий” деб келтирилган байтларида айтади.

صدر جان پرور بها الدين كه هست

هر دم او خون بهای اشرفی

همتتش را بین که میریزد چو ابر

در مکنون زیر پای اشرفی

فتح رای باب او درها کشاد

تا سنا گسترده رای اشرفی

اقتاب دانش است و سایه وار

در قفای او دعای اشرفی

یا رب آن مخدوم را معصوم دار

ز آفت دوزان برای اشرفی

Мазмуни: Баҳоуддин малик жонпарвар пешводирки, ҳар бир нафаси Ашрафийнинг хунбаҳосига (қони қимматиға) тенгдир. Унинг ҳимматиға қарангки, бўлут каби ноёб гавҳарларни Ашрафийнинг қадами остиға сепеди. Унинг бошқарувдаги услуби тафаккурлар эшигини очганлиги учун Ашрафий унинг ҳаққиға сано айтди. У илм қуёшидирки, соя каби Ашрафий унинг изидан дуо этади. Эй Роббим, ушбу ходимингни давру даврон офатларидан Ашрафий ҳаққи учун пок эт [1,3 б].

Бу байтлар сиёқига назар солсак, шоирнинг таҳаллуси ва лақаби юқоридаги таҳаллуслардан кўра “Ашрафий” таҳаллуси кўп бора тилга олинган. Гарчи тазкира ва жунгларда “Саййид”, “Ашраф”, “Шарофуддин”, “Муинуддин” каби лақаблар билан тилга олинса-да лекин етакчи мавқеда бўлган лақаби “Ашрафий” эканлиги ўз тасдиғини топади.

### Муҳокама

Ашрафий Самарқандий таваллуд топган жой ҳақида ўз замонасидаги манбаларда ҳеч бир маълумот учрамайди. Баъзи адабиётшунослар бу кишининг таваллуд топган жойини Самарқанд шаҳри дейишади. Баъзилари эса, уни Кошоний деб тилга олишади [5,312 б]. Кошоний ёки Косоний дейувчилар ҳам бор. Сабаби, Косон шаҳри Марғилонда жойлашган ҳудуд бўлган. Ашрафий ўз девонида Марғилонга ҳоким бўлган Низомуддин Беғумулк ҳақида қасида ёзганини олимлар далил қилиб келтиришади. “Бутхона” тазкирасининг муллифи Ашрафийни “Самарқанднинг Гулистана номли қасабасининг саййидларидандир”, дейди [4,312 б]. Бу маълумот “Арафотул ошиқин”, “Хайрул баён” ва “Сафинаи хушгў” тазкираларида ҳам келган. Шу билан бирга юқорида зикр қилинган асарларда Ашрафий Самарқандий билан Ашрафий Гулистоний номли бошқа шоирлар ҳам тилга олинганини кўриш мумкин. Ашрафий Гулистоний қаламиға мансуб шеърлар Ашрафий Самарқандийнинг девонида ҳам учраб туради. Масаланинг ихтилофлиги шундаки, тарихий ва географик асарларда Самарқанд шаҳрида Гулистана ёки Гулистон номли шаҳар учрамайди. Балки котиблар хатоси билан Косон шаҳрини Гулистон билан алмаштирган бўлиши ҳам мумкин. Арабча ёзувда Гулистон билан Косон ёзуви ўртасида

бироз тафовут бор. كاسان (Косон) ва گلستان (Гулистон). Манбаларда Ашрафий Самарқандийнинг таваллуд топган макони бўйича келтирилган маълумотлар турли хил бўлганлиги учун ўз ечимини топмаган. Ҳатто бу борада сўнги йилларда тадқиқот олиб борган адабиётшунос олим Аббосбек Жоний ва Умед Сурурийлар ҳам бир тўхтамга келмаган. Биз бу борада баъзи фикр-мулоҳазаларни илгари сурсак шоядки, ушбу масалага бироз ойдинлик киритишга ёрдам берса. Олимлар Ашрафий Самарқандий таваллуд топган жойни Марғиноннинг Косон ёки Кошон шаҳри дейилган, иккинчи тараф олимлари эса уни Самарқанд шаҳридаги Гулистона ёки Гулстон қасабасини тилга олган. Дарҳақиқат, ҳар икки маълумот ўз ечимини топмаган. Сабаби, алломанинг адабий мероси таркибидаги тарихий мавзуларга мурожаат қилинган. Шунингдек, замондош тазкирачилар меросини синчиклаб ўрганмаган. Натижада юқоридаги ўз ечимини топмаган масалаларга қуйидаги жиҳатлардан қаралганда ўз ечимини топарди.

Биринчи жиҳат: Ашрафий Самарқандийнинг “Сафинаи Сино” 251 варағида, “Жунги Тақий Коший” тазкирасининг 262 варағида “Самарқандий” дейилган.

Иккинчи жиҳат: Мутафаккир асарини варақлаганимизда аксар қасидаларининг мавзуси Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан малик ва маликзодалар ҳақида сўз боради [1,45,150 б].

Учинчи жиҳат: Шоир шеъриятининг лисоний хусусиятлари Самарқанда ҳукмрон бўлган ушбу даврдаги лисоний хоссаларига тўғри келиши. Демак, мана шу уч жиҳатдан мавзуга эътибор қаратсак, Ашрафий Самарқандий Самарқанд шаҳрида таваллуд топгани ойдинлашади.

### Натижалар

Ашрафий ҳаёти борасида аниқ маълумот берувчи манбалар учрамаганлиги сабабли шоир ҳаётининг баъзи жиҳатлари ёритилмай қолган. Лекин, унинг шеъриятини синчиклаб ўрганган киши шунга амин бўладикки, ёшлиқдан илмга бўлган иштиёқи сабабли дастлабки илмларни отасидан олиб, сўнгра замонасининг уламоларидан керакли илмларни ўрганади. Айниқса, шеърият, балоғат, тиббиёт, фалакиёт ва тасаввуф фанини чуқур ўрганганлиги асарларида билиниб туради. Аббосбек Жоний Ашрафий “Девони”нинг муқаддима қисмида айтадики, умрининг ўрта ёшларигача давлат ишида шаръий масалаларда маслаҳатчи ходим сифатида фаолият юритган. Шоир умри охирида машаққат билан кун кечирганини қасидаларда кўп бора тилга олади. Эътиборли жиҳати шундаки, давлат ишида ишлаган пайтларини эсламайди, балки умрининг сўнгида машаққатга дуч келган онларини эслайди. [7,1в]. آخر عمر ا در انزوایی اجباری گزرانده است (Умрининг охирини машаққат ва қийинчиликда ўтказганди). Қуйидаги қасидасига диққат қаратадиган бўлсак, шундай дейди:

اکنون چنان شدم که به خاطر نیایم  
کز هیچ روی کار مرا انتظام بود  
با این همه مداومتی میکند نکوست  
این اشک لعل فام روزی مدام بود  
برگشت دور دولت و من خیره مانده ام  
کایش واجب آمد و آتش کدام بود

Мазмуни: Энди шундай ҳолга тушиб қолдимки, ҳеч бир ишни тартиб билан қилиш ҳаёлимга ҳам келмай қолган. Шунча баракали умр бергани яхши, бу кўз ёшим кун бўйи оқиб

туради. Мен давру даврон ва фароғатдан айрилиб, танҳо қолдим, бу ҳол мени бошимга тушиши тақдирда экан, униси қай аҳволда кечади? [1,128 б].

Шу байтлар тағзаминида шоир ҳаётининг икки босқичи кўрсатиб берилган. Биринчиси, бойу бадавлат ва куч қувват соҳиби бўлган илк ва ўрта даври;

Иккинчиси фақирлик, танҳолик ва ҳолдан тойган умрининг сўнги дамлари.

Эътиборли жиҳати яна шундаки, шоир бу дунё ҳаётида кўрган кўргуликларидан ташқари нариги дунёда уни нима кўтишини билмаслиги ҳам уни ажаблантирмоқда. Аслида бу ҳолат шоир ички дунёсидаги туйғуси билан боғлиқ бақо оламига мансуб соғлом эътиқодини кўрсатади. Яна шу манбада келишича, Ашрафий умрининг сўнгида кўз оғриғи дардига мубтало бўлганлиги келтирилади. Муҳаммад Авфий Бухорий эса, у билан кечган бир суҳбатида [3,390] گران كوشى (Кўлоғи оғир) эканлигини айтади. “Сафинаи хушгў” тазкирасида эса уни اشرف اصم كاشانى [5,651б.] (Ашраф Асам Кошоний) деб зикр этади. Бу маълумотларга қарайдиган бўлсак, Ашраф Самарқандий ўзи баён этган “танглик”, “танҳолик”, “машаққат”, “мудом кўз ёшлар”нинг барчаси кўзининг нури хиралашгани ва кўлоғи оғир бўлганидан далолат беради.

Шоирнинг ёшлик даври, ўрта ёши даври, билим олиш учун сафар қилган жойлари ва оиласи ҳақида манбаларда маълумот мавжуд эмас.

Кейинги даврларда ёзилган манбаларда шоир вафотини уч сана билан кўрсатилган. Биринчиси, 565/1169 йил, иккинчиси, 590/1194 йил, учинчиси 595/1199 йил. Бу тарих саналарини адабиётшунос олим Аббосбек Жоний و البتة هر سه تاريخ اشتباه است (Албатта бу уч тарих саналари чалкаш келган бўлиб, у 600/1203 йил вафот этганлиги аниқдир). Бу фикрни бироз мулоҳаза билан қараб чиқишга тўғри келади. Манбаларда шоир вафоти борасида турли хил қарашлар бор. Масалан, Муҳаммад Авфий Бухорий 595/1199 йили Самарқанд шаҳрида Ашрафий билан мулоқот қилганини эслайди. [3,390 б.]. Бошқа бир далил эса Ашраф Самарқандий 600/1203 йили вафот этган Самарқанд шаҳри ҳокими Қилич Туғможхон Иброҳим ибн Хусайн Самарқандий ҳақида марсия ёзган [1,154 б.]. Унинг ўғли Нусратуддин Қилич Арслон Усмон шу йилнинг ўзида тахтга ўтириши муносабати билан мадҳия ёзгани ҳам маълум. Демак, ушбу тарих моддалари шуни кўрсатадики, Ашрафий 600/1203 йили фоний дунёдан боқий дунёга кўчган экан. Шоир вафотининг жойини Самарқанд шаҳри дейилади. Бу маълумотни “Хулосатул ашъор” ва бошқа тарихий асарлар ҳам тасдиқлайди.

### Хулоса

Маълумки, ҳар бир ижодкор ўз замонида маълум бир мазҳабга эргашиши ва маълум бир эътиқодни ўзига қурғон қилиши бор нарса. Мутафаккир, саййидлар авлодидан бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, бироқ унинг ислом динидаги қайси мазҳабга эргашганлиги маълум эмас. Ҳатто, шеърларида ҳам бунга далолат қилувчи маълумот учратиш қийин. Лекин шуниси маълумки, шоир Ислом динида аҳли сунна вал-жамоа ақидасига хос ҳаёт кечириб, шеърларида мўътадиллик тамойилига таянган. Аббосбек Жоний айтадики, در باره ی شخصیت فردی و خلق و خوی اشرفى نمیتوان با قطعیت سخن گفت [1,24 б.]. (Ашрафийнинг индивидуал шахсияти, хулқу атвори ҳақида қатъий бир далил билан бирон нарса дейиш қийин). Лекин, бизнингча, ижодкор шахсиятининг руҳий ҳолати, ҳаёти тарзи, кўзатган шахсий мушоҳадалари, адабий ва сиёсий муҳитнинг ўзаро таъсири, бадий тафаккури инъикоси каби тасвирлар шеърларда акс топиши

илмий тажрибанинг ўзи исбот этган. Боиси, кўплаб шоирлар ўз ҳаётидаги руҳий изтироб, хурсандчилик ва машаққатли онларини шеърлари қатига жойлаштиради. Шоир шахсияти шеърлари орасида *мазҳабни маҳкам ушлагани, эътиқоди соғлом бўлгани, астрономия, тиб, калом, мантиқ, тасаввуф илмлари билимдони* эканлиги гавдаланиб туради. Аббосбек Жоний таъкидлайдики, Ашрафий нужум, тиб, мусиқа ва фалсафа фанларини яхши билган. Айниқса, нужум фани билан боғлиқ истилоҳлар шоир ижодида талайгина учрайди.

خورشد بيندوده سر تيغ به زهر آب  
 بر جيس فروبيسته در سعد به مسمار  
 بهرام در آن زخم كه جچون زرّه شوم خرد  
 ناهيد بر آن زخمه كى چون زير شوم زار  
 گويى كه بر آن صفحه تعليق زمانم  
 از كلك عطارود شده روزم چو شب تار

*Мазмуни: Қуёш шўласи ўткир қиличнинг учи каби тоғнинг теппасидан ботди, Муштарий (Юпитер) сайёраси ўз ёруғлигини кўрсатмаслиги учун ёруғлик эшигига миҳ қоқди. Миррих сайёраси каби бу жароҳатдан мен ҳам адо бўламан. Шу онда, аторудсифат қаламим вақт саҳифасига муҳрлангандек кечаларимни зулматга айлантирган. [1,131-132 б.].*

Ушбу шеърда, нужум илми билан боғлиқ “Ноҳид”, “Муштарий”, “Зухра”, “Миррих” каби сайёрамиздаги мавжуд жисмлар ҳақида сўз боради. Ашрафий Самарқандий ўз асарида нафақат шоир балки астроном олим сифатида ҳам кўз олдимизга келади. Шоир шеърларида, таржима ҳоли ва ҳаётининг турли даврлари тилга олинган бўлса-да, бугунги кунга қадар унинг шахсияти ва шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ёритилмаган. Бинобарин, Ашрафий Самарқандий адабий меросини ўрганиши ва адабиёт тарихида унинг мавқени кўрсатиш куннинг долзарб вазифалардан саналади.

### Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Ашраф Самарқандий. Девон/таҳқиқ ва тасҳиҳи Аббосбек Жоний., Умед Сурурий. – Теҳрон: Сафир урдуҳол, 1391 ҳш.- С. 3.
2. Бандар ибн Дос Хушгў Деҳлавий. Сафинаи хушгў/дафтари аввал. Алигар университети 34 рақамли қўлёзма нусхаси. – 188 б.
3. Муҳаммад Авфий Бухорий. Лубобул ал-боб/2 жилд. – Теҳрон: Китобхонаи донишгоҳ, 1345. – С. 390.
4. Муҳаммад Сўфи Мозандароний. Тазкираи Бутхона. – Теҳрон: Исломи шўро мажлисининг №132 рақамли қўлёзма нусхаси.
5. Сино. Сафинаи Сино. – Теҳрон: Исломи шўро мажлисининг №651 рақамли қўлёзма нусхаси.
6. Тақий Коший. Жунги Тақий Коший. – Алигар университети кутубхонасининг №34 рақамли қўлёзма нусхаси.
7. Тақий Коший. Хулосатул ашъор. – Теҳроннинг Илсомий шўро кутубхонасининг №16778 рақамли қўлёзма нусхаси.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 5/8 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).